

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзсаноатэкспорт” АЖ
Бошқарув Раиси**



Мирзабеков О.А.

**“Ўзсаноатэкспорт” Акциядорлик жамиятининг
"Navoiy mevazorlari tuxfasi" МЧЖ устав фондидаги 78,37
фоизлик улушини бозор қийматини аниқлаш ва баҳолаш
хизматни сотиб олиш учун**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

ТОШКЕНТ - 2022

1. Буюртмачи:

Танлов буюртмачиси “Ўзсаноатэкспорт” АЖ, манзил Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси 107 уй.

Баҳолаш объекти Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навбахор туманида жойлашган.

2. Бенефициарлар:

“Ўзсаноатэкспорт” АЖ

“NAVOIY MEVAZORLARI TUXFASI” МЧЖ

3. Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш шартлари:

Субъектнинг бозор қийматини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатиш доирасида амалдаги тартиб-қоидалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида” ги Қонунга амал қилиш керак.

Хизматларни бажариш доирасида қуйидаги босқичларни амалга оширади;

I - босқичда қуйидаги ишларни амалга оширади:

- баҳоланувчи субъект бўйича маълумотлар йиғиш;
- баҳоланаётган субъект маълумотлар базасни ташкил этиш, шу жумладан раҳбарият томонидан тасдиқланган бухгалтерия маълумотлари.

II - босқичда қуйидаги ишларни амалга оширади:

- биринчи босқичда олинган маълумотларни таҳлил қилиш
- баҳолаш ишларини амалга ошириш

4. Бажарилиши керак бўлган ишнинг мураккаблиги ва хизматларни кўрсатишдан келиб чиққан ҳолда иш бажарувчига талаблар

- баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжудлиги;

- баҳолаш фаолиятини амалга оширишда лицензиялаш талаблари ва шартларига риоя қилиш;

- шартнома тузилган санадан олдин камида 5 йиллик активларни баҳолаш бўйича фаолият олиб борган бўлиши;

- буюртмачи талабига асосан баҳолашда бевосита иштирок этувчи мутахассисларнинг баҳолаш бўйича малакавий сертификатини тақдим этиш;

- баҳолаш доирасида йиғилган маълумотларни сақлаш;

- буюртмачидан олинган маълумотлар махфийлигини сақлаш;

- белгиланган муддатларда хизматлар кўрсатиш учун етарли баҳоловчилар мавжудлиги;

- бажарувчи тугатилиши ёки ихтиёрий тугатилиш жараёнида бўлмаслиги лозим.

5. Хизматлар нархи

Тўланиши керак бўлган қатий миқдор. Пудратчи билан шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, хизматларни кўрсатиш учун сарфланган ҳақиқий вақт (шартномада бундай ставка кўрсатилиши шарт) ва ҳақиқий харажатлар тўланиши керак.

Тўлов валютаси - Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм).

6. Хизмат кўрсатиш муддати:

Хизматларни кўрсатишни бошлаш санаси хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузилган ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ кучга кирган кундан кейинги иш кунига тўғри келади.

Ишлар бўйича хизматлар кўрсатишнинг тугатиш санасини ишларнинг тўлиқ бажарилиши санаси ҳисобланади.

7. Иш ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби:

Аввал миждозга электрон шаклда тасдиқлаш учун ҳисобот лойиғаси, барча жадваллар/файллар формулалар ва боғламалари сақланган ҳолда Excel форматда, шу билан бирга асл сканерланган ишчи хужжатлар тақдим этилади (танишиб чиқиш учун).

8. Ишлар ва хизматлар сифатини таъминлаш муддатини белгилашга қўйиладиган талаблар:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Иш ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби

Буюртмачига кўриб чиқиш ва танишиш учун тасдиқланишидан олдин баҳолаш ҳисоботининг электрон нусхаси химояланмаган шаклда тақдим этилади, жадвалларнинг барча ҳисоб-китоби рус ёки ўзбек тилида формулалар сақланиб қолган ҳолда Excel форматдаги файллар ва сканерланган ишчи хужжатларни тақдим этади;

Баҳолашнинг якуний натижалари Буюртмачига баҳолаш объектларини баҳолаш тўғрисидаги ёзма ҳисобот шаклида икки нусхада тақдим этилиши керак, унда асосий хулосалар ва асосий тахминлар, фойдаланилган методологиянинг тавсифи, алгоритм ва ҳисоб-китоблар натижалари кўрсатилган бўлиши лозим.

10. Ишлар ва хизматлар сифати учун кафолатлар ҳажмига қўйиладиган талаблар.

Мол-мулкни баҳолашни ўтказиш учун баҳоловчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, амалдаги касбий жавобгарликни суғурталаш полисини тақдим этиши шарт.